СЎФИЁНА АДОЛАТ

Оқбўтаев Ботир Ҳайдарович
Терду ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада тасаввуф вакилларининг сўфиёна қарашлари таҳлилга тортилган. Мақолада Ahmad Яссавий, А.Навоий қарашлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: тасаввуф, яхшилик, сўфий, бағрикенглик, тариқат.

СУФИЙСКАЯ СПРАВЕДЛИВОСТЬ

Акбутаев Батыр Хайдарович
Учитель Терду

Аннотация: В данной статье к анализу были привлечены суфийские взгляды представителей суфизма. В Статье Ахмад Яссави, А.Цитируются взгляды Навои.

Ключевые слова: мистика, доброта, суфизм, толерантность, тарикат.

SUFI JUSTICE

Oqbotaev Botir Heydarovich
Terdu teacher

Annotation: In this article, the Sufi views of the representatives of mysticism were drawn to the analysis. In The Article, Ahmad Yassawi, A.Navoi views have been cited.

Тасаввуф таълимотида адолат тушунчаси биз англаган ва амал қилаётган адолат, яъни яхшига яхши, ёмонга ёмон бўлишликни эмас, балки яхшига ҳам, ёмонга ҳам яхшилик қилишликни билдиради. Сўфийлар, киши кишидан жабр, зулм кўрса, унга зулм билан эмас, балки, мулойимлик, хокисорлик ва вазминлик билан жавоб бериш, ўзаро қасдлашмаслик, кина, адоват сақламаслик, бағрикенглик тарафдорларидирлар. Улар адолатни шундай тушунишган. Буни Алишер Навоийнинг “Бировга мусаллам тариқи тасаввуф” деб номланувчи ғазалидаги:

Не эл қавлу феълига андин таадди,
Не Ҳақ амру наҳйиға андин тасарруф.

байти мисолида ҳам англаш мумкин. Яъни, сўфийдан элга ҳеч бир жабр-зулм ўтмайди. Элда эса яхши-ёмон бор, ёмонлар тилидан ва қўлидан етган дилозорлик, зулмга сўфий адоват сақламайди, қасдлашмайди ва улкарга душманлик назари билан қарамайди. Негаки, сўфийлар назарида инсон инсонга рақиб эмас, ўзаро душманлашиш боиси – ғофиллик. Шу билан бир қаторда, улар тақвода ҳам ҳеч бир риё ва таъмасиз, фақат эзгулик, яъни ўзлигидан кечиш билан ибодат қилишни комил инсон фазилати ва адолатли тақво намунаси деб атайдилар. Шунингдек, улар Оллоҳнинг бандаларини яхши ишларга буюриши ва ёмон ишлардан қайтаришига ўзбошимчалик қилмайдилар, яъни шариат аҳкомларига бўйсунади.

Сўфий шоир Аҳмад Яссавий ижодида зулмга зулм билан жавоб бермаслик ғояси тасаввуфий адолат – эзгулик тушунчаси сифатида талқин этилади:

Золим агар жафо қилса олло дегил,
Илкинг очиб, зоре қилиб, бўйин сунғил.
Ҳақ додингға етмас бўлса, гила қилғил,
Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айдим мано.

Аҳмад Яссавий фикрича “Ҳақ васлининг ошиғи золимлар тилидан ва қўлидан етган дилозорлик, жабр-ситамига чин ориф ошиқлиги боис мулойим табиатлилик билан жавоб беради ва фақат Оллоҳга илтижо қилади. Ўзига етган жабр-жафога зулм билан жавоб бериб, ўзига гуноҳ орттирмайди, жазони Оллоҳнинг ўзи беради. Тортган зуғумлари, заҳматлари, чеккан азоблари ошиқ муҳаббатини мустаҳкамлайди, тоблайди. Золимлик – бу ғофиллик, гумроҳлик. Шундай экан, Ҳақ маърифатини англаган ошиқ ва ориф киши бу ғофиллар зулмига зулм билан эмас, мулойимлик ва яхшилик билан жавоб беради.

Сўфийлик таълимотидаги адолат тушунчасини англамасдан бир қатор шўро даври олимларининг синфийлик нуқтайи назаридан ёндашиб Аҳмад Яссавий ижоди ҳақида “меҳнаткаш халқни золимларга итоатда бўлишга ва барча жабр-зулмга кўникиб, шукр қилишга даъват қилган” деган нотўғри фикрларига тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққуловнинг эътирози ўринлидир. Олим фикрича, “…Яссавий худога сиғинишга чақирган. Табиий савол туғилади: ўтмишда яшаб ижод қилган шарқнинг қайси улуғ шоири худога сиғинмасликка чақирган? Ҳофиз ёки Саъдийми? Навоийми ёки Бобурми? Яссавий шеърида золимга қарши бош кўтарма дейилмаган. Балки золимни енгишга даъват қилинган. “Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айтдим маъно”, – дейди у. Бу юзаки эътирофмас. “Ҳақдин эшитиб” дегани “Қуръон”га ишора. Демак, ҳикматдаги ғояни у “Қуръон”дан ўзлаштирган. Афсусланарлиси шундаки, “бўйин сунғил” ибораси яратганга эмас, золимга “бўйин эг” маъносида англанган ва изоҳланган.

Ҳолбуки, биринчи икки сатрдаги мантиқ бундай “Золим агар жафо қилса олло дегил. Муножотлар айлаб ундан мадад ва қувват тила. Ёлғиз Ҳаққа бўйнингни хам қил”

Алишер Навоий мутасаввуф шоир сифатида адолатни яхшига ҳам, ёмонга ҳам яхшилик қилиш деб тушунган ҳолда, ўз ижодида бу адолат ғояларини тараннум этади, кишиларни фақат эзгу ғоялар сари етаклайди. Мутассавуф шоир Алишер Навоий бахра олган тасаввуф илмида ҳам киши-кишига душман эмас, ўзаро ёвлашиш, бировга зулм қилиш – бу гумроҳлик, ўз аслиятини, Ҳақ маърифати ва муҳаббатини англамаслик деб талқин этилади. Шу сабабли, сўфийлик назарида зулмга зулм билан жавоб бериш – ориф ошиққа хос эмас.

Хуллас, тасаввуф таълимотида адолат тушунчаси эзгуликни ҳеч бир таъма ва риёсиз тақво, ҳалол ва камтарона ҳаёт тарзи, зулмга зулм билан эмас оғир, вазмин, юмшоқ табиатлилик билан жавоб бериш, умрини фақат яхши ишларга бағишлаб Оллоҳ васлига эришишни англатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами 6-жилд. Т.- 1990-й. 201-202 бет.

2.Иброҳим Ҳаққуловнинг Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар” девонига ёзган сўзбошисидан Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т. – 1991-й. 16-бет

3.Аҳмад Яссавий “Девони Ҳикмат”. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т. – 1992-й. 35-бет